

## I. ТОВАРЛАР ВА ҲИЗМАТЛАР БОЗОРИ

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-сентябрь ойларида 4575,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,6 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 4203,7 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,1 фоизга ошган.

### 2017 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2016 йилга нисбатан фоизда	Яқунга нисбатан фоизда
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>4575,4</b>	<b>102,6</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Йирик савдо корхоналари	371,7	109,5	8,1
Кичик корхона ва микрофирмалар	913,9	110,7	20,0
Якка тартибдаги тадбиркорлик	3289,9	102,1	71,9

### Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида)




Жами чакана савдо айланмасидаги йирик корхоналар улуши 8,1 фоизни, кичик корхона ва микрофирмалар 20,0 фоизни, савдо фаолияти билан шуғулланувчи жимоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар 71,9 фоизни ташкил этиди.

**2017 йилнинг январь–сентябрда чакана савдо  
товар айланмаси таркиби**

	Млрд.сўм	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>6 728,5</b>	<b>105,7</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
йирик корхоналар	595,8	130,5	8,9
кичик тадбиркорлик	5 481,1	104,5	91,1
<i>шундан: уюшмаган савдо товар айланмаси</i>			
	651,6	97,9	9,7

**Чакана савдо айланмаси таркиби**  
(умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)



Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 53,0 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 101,3 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 0,8 фоизга ошди ва 1713,8 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрь ойларида 1484,0 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 3393,6 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 797,3 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 23,5 фоизини ташкил қилди (2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 105,1 фоиз).

2017 йилнинг январь-сентябрида чакана савдо товар айланмаси 4575,4 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 102,6 фоизни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 371,7 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 8,1 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 110,7 фоизга кўпайиб, 913,8 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 20,0 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 4203,7 млрд. сўм яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 102,1 фоизга ўсди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 71,9 фоизни ташкил этди.